

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳавас қилган саҳобалар



16:30 / 17.09.2021 3608

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайноталари, саҳобалари, ашараи мубашшаранинг бири, пешқадам саҳобаларнинг бири бўлсалар ҳам баъзи саҳобаларга ҳавас қилганлар ва уларнинг ўрниларида бўлиб қолишни истаганлар.

1. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу.

Табук ғазоти куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни садақа, эҳсон қилишга тарғиб этдилар. Умар розияллоҳу анҳу «Абу Бакрдан бугун ўзишим мумкин» дедилар-да, молларининг ярмини олиб келдилар. Кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу молларининг ҳаммасини олиб келдилар. Шунда Умар розияллоҳу анҳу ўзларига ўзлари «Абу Бакрдан ўза олмас

эканман» деганлар.

2. Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анҳу.

Нажронликлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ўзларига Қуръонни, Исломни ўргатадиган кишини юборишларини сўраганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сизлар билан ўта ишончли, омонатдор, амийн бўлган кишини юбораман” дедилар.

Воқеани Умар розияллоҳу анҳу давом эттирадилар: “Ҳеч қачон амирликни яхши кўрмадим. Аммо ўша куни ўша ишончли одам мен бўлишимни орзу қилдим. Пешин намозига эртароқ келдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан пешинни ўқиганларидан сўнг ўнг тараф-чап тарафга қарадилар. Мени кўрмай қолмасинлар деб бўйнимни чўзиб турдим. Кўзлари билан излай-излай, охири Абу Убайдага қарадилар ва “Тур ўрнингдан. Улар билан бирга бориб, ихтилоф қилаётган масалаларида ҳақ ила ҳукм чиқариб бер!” дедилар. Абу Убайда улар билан бирга кетди”.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу яна шундай деганлар “Агар мен вафот этаётганимда Абу Убайда ҳаёт бўлса, уни халифа қилиб қолдираман. Охиратда Роббим мендан уни халифа қилиб қолдирганим ҳақида сўраса, мен “Аллоҳнинг амийнини ва Расулининг амийнини халифа қилиб қолдирдим” дейман” деганлар.

3. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу.

Ибн Саъд раҳимаҳуллоҳ Зайд ибн Ваҳбдан ривоят қилади:

«Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу юриб кела бошлади. Умар ўтирган эди, унинг келаётганини кўриб:

«Фикҳга тўла идишча келмоқда», деди».

Ибн Саъд раҳимаҳуллоҳ Асад ибн Вадоадан ривоят қилади:

«Умар Ибн Масъудни зикр қилди ва:

«Илмга тўлган идишча, мен уни Қодисия аҳлидан устун кўраман», деди».

Аллоҳ таоло барча содиқ саҳобалардан рози бўлсин ва бизга улардан ибрат олишимизни, ибодатни адо этишда ҳимматни баланд қилишимизни насиб этсин!

Islom.uz сайти маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон
тайёрлади